

3-SHO'BA: UCHINCHI RENESSANS DAVRIDA YOSH INNOVATORLAR FAOLIYATINI TASHKIL ETISHGA КОМПЕТЕНСИЯВИЙ ЙОНДАШУВЛАР

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ НОИНСТИТУЦИОНАЛ ПАРАДИГМАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

**Мавлонов Журабек Ёрқул ўғли – сиёсий фанлар доктори (DSc),
Ўзбекистон Миллый университети доценти
Абдуллаева Захира Баходировна – мустақил тадқиқотчи-изланувчи,
Навоий инновациялар университети ўқитувчиси**

Аннотация. Мақолада фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг муҳим жиҳатлари – ноинституционал унсурлар тизимишинг методологик масалалари кўриб чиқилмоқда. Муаллиф фуқаролик жамиятини тадқиқ этиш доирасида миллий меросни ўрганиш, миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштириш, аҳолининг хуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқаровийликни шакллантириш, фуқароларнинг сиёсий маданиятини ривожлантириш, сиёсий иштирок шаклларини кенгайтириш, сиёсий коммуникация каналларининг шаффовлигини таъминлаш, миллий ғояни шакллантириш, баркамол ёш авлодни тарбиялаш каби янги тадқиқот йўналишларга эътибор алоҳида қаратилишни таклиф этмоқда

Калит сўzlари: фуқаролик жамияти, фуқаролик жамияти институтлари, фуқаролик жамиятининг ноинституционал тизими, миллий мерос, миллий ва умуминсоний қадриятлар, хуқуқий маданият, фуқаролик ва фуқаровийлик, сиёсий маданият, сиёсий иштирок, сиёсий коммуникациялар, миллий ғоя, ёш авлод тарбияси.

НЕИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫЕ ПАРАДИГМЫ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА И ИХ ЗНАЧЕНИЕ

Аннотация. В статье рассматриваются важные аспекты становления и развития гражданского общества - методологические вопросы системы неинституциональных элементов. В рамках авторского исследования гражданского общества, изучения национального наследия, гармонизации национальных и общечеловеческих ценностей, повышения правовой культуры населения, формирования гражданственности, развития политической культуры граждан., расширение форм политического участия, прозрачность каналов политических коммуникаций, формирование национальной идеи, воспитание компетентного молодого поколения и т.д. Особое внимание предлагается уделить направлениям исследований.

Ключевые слова: гражданское общество, институты гражданского общества, неинституциональная система гражданского общества, национальное наследие, национальные и общечеловеческие ценности, правовая культура, гражданство и гражданственность, политическая культура, политическое участие, политические коммуникации, национальная идея, воспитание молодежи. поколение.

NON-INSTITUTIONAL PARADIGMS OF CIVIL SOCIETY AND THEIR SIGNIFICANCE

Abstract. Important aspects of the formation and development of civil society - methodological issues of the system of non-institutional elements are considered in the article. As part of the research of the civil society, the author is studying the national heritage, harmonizing national and universal values, improving the legal culture of the population, forming citizenship, developing the political culture of citizens, expanding the forms of political participation, ensuring the transparency of political communication channels, forming a national idea, and raising a competent young generation. It is proposed to pay special attention to the research directions

Key words: civil society, institutions of civil society, non-institutional system of civil society, national heritage, national and universal values, legal culture, citizenship and citizenship, political culture, political participation, political communications, national idea, education of the young generation.

Кириш. Жаҳон ҳалқларининг ижтимоий-фалсафий тафаккурида шаклланган фуқаролик жамиятига оид классик талқинлари унинг замонавий типологияси ва ривожланиш қонуниятларининг назарий асоси бўлиб, бу концепция ҳар бир мамлакатнинг стратегик мақсадлари ва иқтисодий тараққиётининг сифат параметрларига ижобий таъсир кўрсатади. Фуқаролик жамиятини концепциялари давлат ва жамият қурилишининг демократик тамойилларига асосланиши, фуқаролик жамияти институтларининг фаоллиги билан бирга тараққиётнинг ижтимоий йўналтирилган турини, аҳоли турмуш салоҳиятининг юқори даражасини таъминлашни кўзда тутади. Пировардида, бу глобаллашув жараёнида тобора тартибсиз ва мавхумлашиб бораётган инсоният ҳаётида ижтимоий тараққиётининг аниқ шаклини, омилларни, модернизация ва юксалиш босқичларини белгилаб беради.

Янгиланаётган Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти асосларини янада мустаҳкамлашга қаратилган жуда муҳим қадамлар кўйилди, норматив-ҳуқуқий база такомиллаштирилди, ижтимоий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратилди, фуқаролар сиёсий маданиятнинг янги шакллари ўзлаштирилмоқда. Шу нуқтаи-назардан Президент Ш.Мирзиёев фуқаролик жамиятига эътиборни ўз маърузаларида қўйидагича таърифлайдилар: “Бизга, биринчи навбатда, кучли фуқаролик жамияти зарур, чунки ҳар қандай ислоҳот ҳар биримизнинг юрагимиздан, онгимиздан бошланиши лозим. Адолатли қонунлар бўйича вижданан яшашга тайёр бўлишимиз, мамлакат келажаги учун бир ёқадан бош чиқариб, олға қадам босмоғимиз керак. Маърифатпарвар аждодларимизнинг мероси бугун биз

кураётган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти учун пойдевор бўлиб хизмат қилиши табиийдир. Чунки уларнинг ғоя ва дастурлари Янги Ўзбекистонни барпо этиш стратегияси билан ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳангидир. Шу боисдан фуқаролар бу жараёнга кўплаб партиялар, жамоат ташкилотлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нодавлат таълим ва оммавий ахборот воситалари, оиласалар, илмий, маданият ва спорт клублари, хўжалик бирлашмалари, истеъмолчилар уюшмалари, хайрия жамғармалари орқали жалб этилиши, давлат органлари билан биргаликда амалга ошириш, қарор қабул қилишда иштирок этиш имкониятига эга бўлмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда жамият қурилиши, фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиш жараёни билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ҳамда сиёсий-фалсафий соҳаларда қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилди. Уларда мустақиллик йилларида қайта тикланган маҳаллий бошқарув институти – маҳалла, унинг жамият ҳаётини янгилашдаги ўрни, ўзини-ўзи бошқаришнинг ноёб шакли экани, шунингдек, фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири – нодавлат нотижорат ташкилотлар, жамият қурилишида сиёсий партияларнинг ўрни, уларнинг типологияси, партиявий тизимларнинг аҳамиятини ўрганиш билан боғлиқ илмий изланишлар ўрин олди. Ушбу тадқиқотларда фуқаролик жамиятининг ривожланиш босқичлари, шаклланиш жараёнлари, Ўзбекистонда жамият сиёсий ҳаётини талаб даражасига кўтариш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар таҳлил этилган. Жумладан, Биринчи Президент сиёсий идеалларига тааллукли “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили асосида ислоҳотларнинг чуқурлашиб бориши, ислоҳот ислоҳот учун эмас, балки инсон манфаатлари, фаровонлиги ва эркинлигини таъминлашга қаратилгани, шунингдек, мамлакатимизда жамиятни демократлаштириш жараёнлари таҳлилига Ўзбекистон олимлари томонидан устуворлик берилганлиги ўз-ўзидан тушунарли.

Фуқаролик жамияти концепцияси, унинг трансформацияси, эволюцияси, истиқболларини башпоратлаш, мазкур жараённи етакчи давлатлар тажрибаси асосида қиёсий тадқиқ этиш муаммосининг назарий ва амалий жиҳатлари “2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси”, “Ўзбекистон – 2030” дастурларида акс этган ғоялар ушбу тадқиқототга муҳим илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилса, соҳага оид қонун ҳужжатлари, Президент фармонлари, қарорлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бу борадаги тадқиқотлар учун услубий база бўлиб хизмат қилади.

Назарий асос. “Фуқаролик жамияти” тушунчаси илм-фанда энг мураккаб, шу билан бирга энг долзарб категориялардан бири ҳисобланади. Бу феномен фанлараро ҳусусияларга эга бўлиб, турли фан ва илмий йўналишлар доирасида тадқиқ этилдади. Жумладан, ҳуқуқшунослик фани нуқтаи назаридан олимлар жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш орқали ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, сиёсий

фанлар нуқтаи назардан фуқароларнинг турли қонуний йўл ва воситалар орқали жамият учун муҳим бўлган сиёсий қарорларни қабул қилишда, иқтисодиёт фани нуқтаи назаридан мулкдор томонидан ўз мулкидан қонун асосида фойда топиб, ўз фаровонлигини таъминлаш ва мулкни ҳимоя қилиш, социологлар томонидан фуқаролик жамиятининг социал стратификация қонуниятлари нуқтаи назардан динамик ва статик ҳусусиятларни аниқлаш, фалсафа фани эса фуқаролик жамиятини барпо этиш ва ривожлантириш жараёнида шахс ва жамоа дунёқарашини ўрганишга ўзининг категориал, назарий ва амалий методологик ёндошувларни қўллади.

Фуқаролик жамиятининг назарий ва амалий жиҳатлари қадим замонлардаёқ Фарбда Платон, Аристотель, Суқрот, Цицерон каби мутафаккирлар томонидан ўрганилган. Шарқда Конфуций, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Низомулмулк, Амир Темур, Алишер Навоий ва бошқа алломаларнинг асарларида жамият тарихий ривожланишининг турли босқичларини ижтимоий-фалсафий таҳлил қилиш асосида жамият бошқарув тизимини шакллантириш услубияти, тизимлари ва механизмлари ривожлантирилган.

Жумладан, ижтимоий тараққиёт давомида фуқаролик жамияти концепциясига яқин бўлган адолатли жамият тўғрисидаги қарашлар, ғоялар ва таълимотлар ривожланиб, такомиллашиб борганлиги, ҳусусан, ватандошимиз Абу Наср Форобийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари тизимида ҳамда Амир Темур ва темурийлар сулоласининг давлат бошқаруви масалаларига оид анча такомиллашган ёндашувларида яққол кўзга ташланади. Қолаверса, адолатли жамият қурилиши ва бошқаруви билан боғлиқ масалалар Мирхонд, Хондамир, Шарафиддин Али Яздий, Ҳожа Самандар Термизий каби кўплаб алломалар ижодидан ўрин олган. Ҳозирги даврда ҳам ушбу масалага доир кўплаб китоблар, рисолалар ва қўлланмалар чоп этилишини ҳам айнан шу доирада қараш ва англаш зарур.

Ўрта асрларда Н.Макиавелли, Ж.Боден, Т.Гоббс, Ж.Локк, Ш.Л.Монтескё, Ж.-Ж.Руссо, Г.Гегел, И.Кант асарларида давлат ва жамият муносабатларига доир сиёсий қарашлар такомиллаштирилган ҳамда уларнинг амалий жиҳатлари очиб берилган.

XIX-XXI асрларга келиб, Фарб назариётчилари А.Токвиль, А.Фергюссон, А.Тойнби, М.Леви, С.Липсет, Г.Алмонд, Д.Аптер, С.Блек, С.Верба, Ш.Эйзенштадт, Э.Арато, У.Ростоу, Т.Парсонс, К.Дойч, Г.Спенсер, Э.Хобсбаум, З.Бжезинский, рус олимлари Н.Бердяев, Ф.Бурлацкий, К.Гаджиев, М.Титаренко асарларида анъанавий жамиятларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар жараёнининг моҳияти очиб берилган.

XX асрдаги тадқиқотларда «фуқаролик жамияти» категориясининг моҳияти ва функционал ҳусусиятларини тушуниш мураккаблашганлиги, бу эса халқнинг талабларини акс эттирувчи фуқаролик жамиятининг янгича мезонлари фуқаролик жамиятини тадқиқ қилиш услубиятига қўшилганлиги билан боғлиқ эканлиги тавсифланади.

Замонавий концепцияларда фуқаролик жамиятининг онтологик ва гносеологик жиҳатларига ижтимоий-фалсафий қарашларнинг турли туманлиги кўзга ташланади. Фуқаролик жамиятининг ижтимоий муаммоларини таҳлил қилишнинг тизимли мезонлари айнан шу даврда ишлаб чиқилди. Бу ижтимоий фанларнинг ўта муҳим илмий кашфиёти ҳисобланади. Чунки бу бугунги қунда жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларни моделлаштиришгина эмас, балки уларнинг истиқболлари ҳақида ҳам сўз юритишга имкон бермоқда.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ўзига хос ижтимоий-фалсафий, сиёсий ва социологик муаммолари А.Ўтамуродов, А.Хусейнова, А.Жалилов, Б.Тўйчиев, Г.Кўчкорова, Д.Эрназаров, Ж.Раматов, Ж.Мавлонов, И.Эргашев, М.Қирғизбоев, М.Шарифхўжаев, Н.Жўраев, Р.Жумаев, С.Жўраев, С.Наркулов, Ф.Мусаев, Ш.Мамадалиевлар шунингдек, сиёсий жиҳатлари С.Жўраев, Т.Матибаев каби олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Фуқаролик жамияти давлат ва жамиятга нисбатан фуқаролар ўзаро муносабатларининг яхлит мажмуи бўлганлиги боис унга нисбатан ягона таърифни қўллаб бўлмайди. Фуқаролик жамияти ҳодисасининг тадқиқи ушбу соҳадаги концептуал ва амалий муаммоларнинг турли-туман эканлигини исботлади. Фуқаролик жамиятининг вужудга келиш ва ривожланиш жараёнларини ўрганишда илмий холисликни кучайтириш учун фуқаролик жамиятининг институционал ва ноинституционал унсурлари моҳияти ҳамда қонуниятларини талқин қилишда илмий парадигмаларнинг ўзгариб туришига асосланган ёндашув таклиф этилди.

Шу билан бирга айрим замонавий фанлар учун бу борада кенг имкониятлар мавжудлигини таъкидлаш лозим. Бугунги кунгача педагогик фанлар томонидан фуқаролик таълимнинг фуқаролик жамияти ривожига таъсири, фуқаролик жамиятининг аҳлоқий ва ғоявий-мағфуравий асослари, фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг маънавий-маърифий негизлари ва миллатнинг ментал хусусиятлари ўрганилмаган, фуқаролик жамияти институтлари ва давлат органлари ўртасида коммуникатив механизм ва технологияларини ишлаб чиқиш ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

Натижалар. Фуқаролик жамиятитига оид тадқиқотларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг аксарияти мазкур феноменнинг институционал жиҳатларига бағилшланган бўлиб, фуқаролик жамиятини ташкил этадиган муассаса ва ташкилотларни ташкил этиш, ривожлантириш ва фаолиятини такомиллаштириш механизм ва технологиялари билан боғлиқ. Афсуски бундай тегденция нафақат ривожланган мамлакатлар илм-фани, балки қадимги маънавий илдизларга бой Шарқ мамлакатларга, шу жумладан, мамлакатимиздаги тадқиқотларга ҳам хосдир.

Масалан, профессор А.Сайдов нодавлат институтининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларига оид миллий ва халқаро қонунчилик тизимини кенг доирада тадқиқ этади. Фуқаролик жамияти институтларини таҳлил этган сиёсий фанлар доктори, профессор М.Қирғизбоев ўзининг “Фуқаролик

жамияти: назария ва хорижий тажриба” номли монографиясида нодавлат секторига алоҳида эътибор қаратиб, ушбу секторнинг ўзига хос ижтимоий муҳим функцияларидан ташқари давлатнинг муайян соҳадаги сиёсий ҳаракатларини мувозанатда сақлаб туриш имкониятини ҳам кўрсатиб беради. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-хуқуқий асослари тадқиқ этилган фан доктори Ф.Мусаевнинг илмий ишларида нодавлат тузилмаларнинг халқ ҳокимиятчилигини ривожлантиришдаги институционал аҳамиятига эътибор қаратилади. Ш.Якубовнинг докторлик диссертациясида давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг хуқукий механизмларини такомиллаштиришга оид фикр ва тавсиялар берилган. Бундан ташқари Ж.Маткаримованинг докторлик диссертациясида давлат ва нодавлат ижтимоий институтлар ўзаро муносабатларининг фалсафий-хуқуқий асослари борасида, М.Қодировнинг докторлик диссертациясида эса давлат ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ижтимоий-маданий трансформацияси мавзусида тадқиқот олиб бориб, тадқиқотда авлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий-маданий ўзгаришларига оид айrim фалсафий фикрлар акс этганлигини айтиш мумкин.

Назарий ва социологик тадқиқотларда олинган маълумотлар Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланишининг барқарорлиги, фуқароларда ўз-ўзини англашнинг изчил ортиб бораётганлиги, мамлакатда юз бераётган ҳодисаларга фуқароларнинг дахлдорлик ҳиссини юксалиб бораётганлиги тўғрисида хулоса чиқаришга имкон беради.

Кишилар ўз муаммоларини ҳал қилишда масъулиятни англашлари шаклланмоқда, давлатга нисбатан боқимандалик муносабатларининг пайи кирқилмоқда. Фуқаролар ҳаёт тарзи ва уларнинг ижтимоий хатти-ҳаракатларига миллий ҳамда замонавий ахлоқий-маънавий қадриятлар ва меъёрлар сезиларли таъсир ўтказмокда.

Шу билан бирга инсон, унинг дунёвий ма диний қадриятларининг фуқаролик жамиятини шаклланиши ва ривожланишига таъсири тўғрисидаги тадқиқотлар камчиликни ташки этиб, бугунги кунда жаҳон ахборот маконида кенг тарқалган замонавий ахборот хуружларига қарши кураш жараёнида инсон, шахс, фуқаро онгидаги ўзгаришларни ўрганадиган тадқиқотлар етарли эмас. Фуқаролик жамияти фуқародан бошланади, унинг хатти-характлари қайси ташкилотта мансублиги билан эмас, балки онги, тафаккури ва хулқ-автори билан боғлиқ.

Мунозара. Фуқаролик жамияти шахсларнинг ўзини ўзи рўёбга чиқаришининг қонуниятли босқичи, олий шаклидир. У мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий ривожланишига, халқнинг фаровонлиги, маданияти ва ўзини ўзи англаш ҳисси ортишига қараб етилиб боради. Инсониятник тарихий тараққиёти маҳсули сифатида фуқаролик жамияти феодал-табақавий тузумнинг қаттиққўл тартиби бузилган, хуқуқий давлат шаклана бошлаган даврда пайдо бўла бошлиши ва барча фуқароларда хусусий мулкдорлик негизида иқтисодий мустақиллик имкониятининг пайдо бўлиши фуқаролик жамияти вужудга келишининг масаласи кўтарилган.

Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайдиган ҳуқуқий давлат фуқаролик жамиятининг сиёсий негизи, шакли бўлиб хизмат қилади. Бундай шароитларда шахснинг хулқ-автори унинг шахсий манфаатлари билан белгиланади ва у ўзининг барча ҳаракатлари учун жавобгар бўлади. Бундай шахс ўз эркинлигини ҳамма нарсадан устун қўяди ва шу билан бирга, бошқа одамларнинг қонуний манфаатларини ҳурмат қилади.

Фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий хусусияти адолат ва эркинликнинг олий талабларига унинг мувофиқлигидир. Бу биринчи мухим сифат хусусиятидир. Фуқаролик жамиятининг мазкур хусусияти адолат ва эркинлик тушунчаларининг мазмунида зоҳир бўлган норматив талабларда ўз ифодасини топади. Фуқаролик жамияти шароитида адолат ва эркинлик одамлар ва ташкилотларнинг фаолиятини тартибга солувчи омил бўлиб хизмат қилади. Бошқа томондан, инсоннинг ўзи фуқаролик жамиятининг аъзоси сифатида, эркинликнинг норматив талабларига англаб етилган зарурат деб бўйсунишга қодирлиги натижасида эркинликни қўлга киритади.

Бошқача сўз билан айтганда бугун фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида нафақат унга тегишли институционал хусусиятларга эга бўлган ташкилот ва муассасалар, балки унинг мазмунини ташкил этувчи ноинституционал жиҳатлари тадқиқотларимиз марказида бўлиши зарур.

Бизнинг фикримизча, бундай тўлақонли ва самарали тадқиқотларни олиб бориш учун бу борадаги қўйидаги йўналишларни ажартиш мумкин:

- миллий мерос ва умуминсоний қадриятлар;
- ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онг;
- фуқаролик бурч ва фуқаровийлик;
- сиёсий маданият ва ватанпарварлик масъулияти;
- сиёсий иштирок ва сиёсий коммуникация;
- миллий ғоя ва мафкура;
- аҳлоқий ва эстетик тарбия.

Фуқаролик жамиятининг функционал ўзига хосликларига қарамасдан, унга тегишли шахсий эҳтиёжлар, манфаатлар ва мақсадларни қондириш фақат давлат томонидан кафолатланади. Шу боис, замонавий дунёда давлат ва фуқаролик жамиятининг диалектик ўзаро алоқаси ҳамда боғлиқлиги кузатилмоқда. Бу нафақат ижтимоий шериклик тизимининг вужудга келиши ва ривожланиши, балки фуқаролик жамиятининг давлат бошқаруви самарадорлигига ижобий таъсирини ҳам таъминлайди.

Мамлакат тараққиётининг замонавий босқичида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини либераллаштириш масаласининг долзарблиги янада ошмоқда. Ушбу жараён ННТларни кенг кўламдаги ижтимоий-сиёсий масалаларни ечишга жалб қилиш зарурати, уларнинг молиявий ва ташкилий ҳисобот шаклларини кўриб чиқиши, донорлар билан ишлашнинг янги механизмларини ишлаб чиқишига оид тегишли ишлар олиб бориш, аҳолининг сиёсий маданияти даражаси ва фуқароларнинг фаоллигини юксалтириш

били боғлиқ. ННТлар ва давлат ўртасидаги мулоқот жараёнида ижтимоий буюртма ва давлат харидлари тизими мухим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш. Маърифатпарвар аждодларимизнинг мероси бугун биз қураётган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти учун пойдевор бўлиб хизмат қилиши табиий. // Халқ сўзи (xs.uz).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони <https://lex.uz/acts/3107036>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони <https://lex.uz/docs/5841063>.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-60-сон “«Ўзбекистон — 2030» Стратегияси тўғрисида”ги Фармони <https://lex.uz/ru/docs/6600413>.
5. Мавлонов Ж. Гражданское общество: от концепта к концепциям и парадигмам (социально-философский анализ). / Монография. Ташкент: “Истиқлол нури”. 2014. – 224 с.
6. Мавлонов Ж. Концептуальные основы исследования демократии и гражданского общества на Востоке // “CREDO new” назарий журнали, 2015 йил №2 (82). Том 2. 118-125 бетлар
7. Слесарева Г.Ф. Гражданское общество в истории политической мысли Европы (от античности до первой трети XIX века). Учебное пособие. – М.: Махаон, 2000.
8. Cahoone L. 2002. Civil Society: Conservative Meaning of Liberal Politics;
9. Walzer M. 1995. Concept of Civil Society – Walzer M., ed. Toward a Global Civil Society. Providence RI: Berghahn Books;
10. Cohen J. and Arato A. 1992. Civil Society and Political Theory. MIT Press.
11. Гуторов В.А. Гражданское общество: эволюция практической философии и современная реальность // Стратегии формирования гражданского общества в России. СПБГУ, 2002.
12. Иброҳимов С. Глобаллашув жараёнида фуқаролик жамияти концепциясининг трансформацияси (ижтимоий – фалсафий таҳлил): Фал. фан. бўйича фал. док. (PhD)... дис. автореф. - Тошкент: ЎзМУ, 2024. – 55 б.
13. Сайдов А.Х. Гражданское общество, неправительственные организации и закон. Опыт Узбекистана. – Ташкент: Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, 1998.
14. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – Б. 131-146.
15. Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. – Тошкент: O’zbekiston, 2007. – Б. 202 – 216.

16. Якубов Ш.У. Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш: Юрид. фан. док. (DSc)... дис. автореф. - Тошкент: Академия, 2018. –65 б.
17. Маткаримова Ж.Д. Давлат ва нодавлат ижтимоий институтлар ўзаро муносабатларининг фалсафий-ҳуқуқий асослари: Фалсафа фалсафа фанлари доктори (DSc) автореф. - Тошкент, 2022.
18. Қодиров М.Б Янги Ўзбекистонда давлат ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ижтимоий-маданий трансформацияси: Фалсафа. фалсафа фанлари доктори (DSc) автореф. - Тошкент, 2023.

ОСНОВНЫЕ МОДУЛИ ТЕХНОЛОГИЙ СОЗДАНИЯ ЦИФРОВЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ РЕСУРСОВ НА ОСНОВЕ СОВРЕМЕННЫХ ПРОГРАММНЫХ ПРОДУКТОВ

**Узбекистан, Бухарский инженерно-технологический институт,
доцент, к.п.н., Алишер Холмуродович Гаффоров**

Аннотация. Мақолада ўқув жараёни интерфаолигини таъминлаш учун рақамли таълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари муҳокама қилинган. Замонавий дастурий воситалардан фойдаланган ҳолда модулли структурага асосланган рақамли таълим воситаларини яратиш тавсифланган.

Калит сўзлар: рақамли таълим ресурслари, модул, Moodle масофавий таълим тизими, синхрон ва асинхрон мулоқот.

THE MAIN MODULES OF TECHNOLOGIES FOR CREATING DIGITAL EDUCATIONAL RESOURCES BASED ON MODERN SOFTWARE PRODUCTS

Annotation. The article discusses the possibilities of using electronic educational resources to ensure the interactivity of the learning process. It describes the creation of digital educational resources based on a modular structure using modern software tools.

Keywords: digital educational resources, module, Moodle distance learning system, synchronous and asynchronous communication.

ОСНОВНЫЕ МОДУЛИ ТЕХНОЛОГИЙ СОЗДАНИЯ ЦИФРОВЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ РЕСУРСОВ НА ОСНОВЕ СОВРЕМЕННЫХ ПРОГРАММНЫХ ПРОДУКТОВ

Аннотация. В статье рассматриваются возможности применения электронных образовательных ресурсов для обеспечения интерактивности процесса обучения. Описывается создание цифровых образовательных ресурсов на основе модульной структуры с использованием современных программных средств.